**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

# “Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланувчи манфаатдор вазирлик ва идоралар ходимлари учун ҚЎЛЛАНМА

**Тошкент – 2013**

**Мундарижа**

1. Умумий маълумотлар.......................................................................3
2. ТБЭ ААТ вазифалари.......................................................................3
3. ТБЭ ААТда фойдаланувчилар роллари...............................................3
4. ТБЭ ААТга кириш ..........................................................................6
5. Ташқи фойдаланувчилар интерфейси...................................................14
   5.1 «Ўзстандарт» агентлиги фойдаланувчилари интерфейси.............14
   5.2 Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари интерфейси........18
   5.3 Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари интерфейси ..........................................................................22
   5.4 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими интерфейси………………..25

## 1. Умумий маълумотлар

**Тизимнинг тўлиқ номланиши:** “Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизими.

**Тизимнинг қисқача номланиши:** ТБЭ ААТ.

## 2. ТБЭ ААТ вазифалари

ТБЭ ААТда қуйидаги жараёнлар автоматлаштирилган:

1. Ташкилотлар ва назорат инспекциялари томонидан сертификатлар ва рухсатномалар бўйичf маълумотларни киритилишини ташкил этиш;
2. Сертификатлар ва рухсатномалар бўйича маълумотларни қидириш;
3. Тасдиқланган сертификат ва рухсатномалар маълумотлари бўйича ҳисобот олиш.

## 3. ТБЭ ААТда фойдаланувчилар роллари

Автоматлаштирилган ахборот тизимларида маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқариш муҳим масала ҳисобланади. Тизим рухсат берилмаган ҳолларда маълумотлардан фойдаланишни чеклаш, тизимга уланадиган ҳар бир фойдаланувчига унга маълумотлар хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминловчи администратор томонидан берилган ҳуқуқларга мувофиқ маълумотларни кўриш ва ўзгартириш имконини бериши лозим.

Ҳар бир фойдаланувчи ўзига бириктирилган электрон рақамли имзога асосланган USB-калит орқали тизимга киради. Фойдаланувчи тизимга биринчи бор киришида тизимга кириш учун администратор томонидан берилган вақтинчалик паролини ўзгартиради. ТБЭ ААТ фойдаланувчиларини дастлабки рўйхатга олиш ва кейинги ўзгартиришларни амалга ошириш вазирлик ва идоралардан Давлат божхона қўмитасига келиб тушган мурожаатлар асосида ДБҚ администратори томонидан амалга оширилади. Ҳар бир фойдаланувчи ДБҚ администратори белгиланган категорияга тегишлилигидан келиб чиқиб, тизим унга индивидуал тарзда маълумотлардан фойдаланиш схемасини (маълумотларни ва алоҳида майдонларни кўриш ва таҳрирлаш, ҳисоботлар олиш ҳуқуқи ва бошқалар) мослаб беради.

ТБЭ ААТ фойдаланувчиларга қўйидаги режимларнинг бири билан ишлаш имконини беради:

- Маълумотлар базаси билан ишлашда маълумотларни киритиш, таҳрирлаш, тасдиқлаш ва ўқиш (кўриш) режими;
- Маълумотлар базаси билан ишлашда фақатгина ўқиш (кўриш) режими.

Тизимда ташқи фойдаланувчилар учун қуйидаги роллар ташкил этилган:

| № | Рол номи | Ролнинг имконият (ҳуқуқ)лари номлари |
|---|---|---|
| 1 | Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология бош бошқармаси масъул ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Экологик сертификатларни кўриш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш (узайтириш) |
| | | Сертификатларни тасдиқлаш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботларни олиш |
| | | Сертификатларни бекор қилиш |
| 2 | Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология бош бошқармаси инспектори | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Экологик сертификатларни кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 3 | Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавоси муҳофазаси бош бошқармаси масъул ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Озон емирувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномаларни кўриш |
| | | Рухсатномаларни тасдиқлаш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш(узайтириш) |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни бекор қилиш |
| 4 | Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавоси муҳофазаси бош бошқармаси инспектори | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Озон емирувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномаларни кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботларни олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 5 | “ЎзБошДавКарантин” инспекцияси масъул ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Импорт-карантин рухсатномаларини кўриш |
| | | Сертификатларни тасдиқлаш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш(узайтириш) |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатлар бекор қилиш |
| 6 | “ЎзБошДавКарантин” инспекцияси инспектори | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Импорт-карантин рухсатномаларини кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 7 | “Ўзстандарт” агентлиги масъул | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Мувофиқлик сертификатини кўриш |

| | | |
|---|---|---|
| | ходими | Сертификатларни тасдиқлаш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш(узайтириш) |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни бекор қилиш |
| 8 | “Ўзстандарт” агентлигида аккредитациядан ўтган сертификатлаш идораси ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Мувофиқлик сертификатини кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 9 | Давлат ветеринария назорати инспекцияси масъул ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Ветеринария сертификатларини кўриш |
| | | Сертификатларни тасдиқлаш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш(узайтириш) |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни бекор қилиш |
| 10 | Давлат ветеринария назорати инспекцияси инспектори | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Ветеринария сертификатларини кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 11 | Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходими | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Гигиена сертификатларини кўриш |
| | | Сертификатларни тасдиқлаш |
| | | Тасдиқланган сертификатлар муддатларини ўзгартириш(узайтириш) |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни бекор қилиш |
| 12 | Соғлиқни сақлаш вазирлиги инспектори | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Гигиена сертификатларини кўриш |
| | | Сертификатлар бўйича ҳисоботлар олиш |
| | | Сертификатларни таҳрирлаш |
| 13 | Божхона органлари фойдаланувчилари | Ташқи фойдаланувчилар учун маълумотларни кўриш |
| | | Экологик сертификатларни кўриш |
| | | Озон емирувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномаларни кўриш |
| | | Импорт-карантин рухсатномаларини кўриш |
| | | Мувофиқлик сертификатини кўриш |
| | | Ветеринария сертификатини кўриш |
| | | Гигиена сертификатларини кўриш |
| 14 | Божхона органлари инспекторлари | Экологик сертификатларни кўриш |
| | | Озон емирувчи моддаларни олиб кириш ва олиб |

| | | |
|---|---|---|
| | | чиқиш бўйича берилган рухсатномаларни кўриш |
| | | Озон емирувчи моддаларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича берилган рухсатномаларни божхона органларига тегишли қисмини ўзгартириш (таҳрирлаш) |
| | | Импорт-карантин рухсатномаларини кўриш |
| | | Мувофиқлик сертификатини кўриш |
| | | Ветеринария сертификатини кўриш |
| | | Гигиена сертификатларини кўриш |

Тизим маълумотларидан фойдаланиш учун фақатгина ушбу ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчиларга рухсат беради.

Белгиланган ҳуқуқлар бўйича ТБЭ ААТда барча фойдаланувчилар учун тегишли интерфейслар ишлаб чиқилган.

## 4. ТБЭ ААТга кириш

Тизимдан фойдаланиш **Internet Explorer** (6.0 версиясидан юқори) интернет броузери ёрдамида амалга оширилиши сабабли, ҳар бир фойдаланувчи ишчи станциясида мазкур броузер бўйича созлаш ишларини амалга оширилиши лозим. Бу қуйидаги тартибда амалга оширилади: Тизимга кириш учун **Internet Explorer** дастурининг адрес қаторига **http://10.0.9.114:9080/bjeks** терилиб кирилади.

Internet Explorer да қуйидаги кўринишдаги ойна очилса, **ОК** тугмаси босилади.






ОК тугмаси босилгандан кейин Internet Explorer менюсидан - Сервис >> Свойства обозревателя ... менюсига кирилади.



Қуйидаги ойнада **“Домашняя страница”** қаторига http://10.0.9.114:9080/bjeks манзили ёзилади.




Сўнгра **“Безопасность”** бўлимига ўтилади ва “**Надежные узлы”** тугмаси танланади.




**“Надежные узлы”** тугмаси танлангандан сўнг **“Узлы”** тугмаси босилади ва қуйида келтирилган ойна хосил бўлади.




Бу ойнада   қаторидан белги олиб ташланади.




Бу ерда 

киритиш сатрига http://10.0.9.114/ манзили ёзилади.




ва 

тугмаси босилади.




Сўнгра **Закрыт** тугмачаси босилади.

Шундан кейин 

тугмаси босилади.




ActiveX жумласи мавжуд бўлган барча бўлимларида 

танланади.


Параметры безопасности
Параметры:
Элементы ActiveX и модули подключения
Автоматические запросы элементов управления ActiveX
Отключить
Разрешить
Выполнять сценарии элементов ActiveX, помеченных как бе
Отключить
Предлагать
Разрешить
Загрузка неподписанных элементов ActiveX
Отключить
Предлагать
Разрешить
Загрузка подписанных элементов ActiveX
Восстановить прежние параметры
На уровень:
Низкий
Восстановить
ОК
Отмена


Параметры безопасности
Параметры:
Загрузка подписанных элементов ActiveX
Отключить
Предлагать
Разрешить
Запуск элементов ActiveX и модулей подключения
Допущенных администратором
Отключить
Предлагать
Разрешить
Использование элементов ActiveX, не помеченных как безо
Отключить
Предлагать
Разрешить
Восстановить прежние параметры
На уровень:
Низкий
Восстановить
ОК
Отмена




ва 

тугмачаси босилади.






тугмаси босиш билан браузерни созлаш жараёни тугайди.

**Interner Explorer** дастури ёпилиб, қайта ишга туширилади ва http://10.0.9.114:9080/bjeks манзилини териб, тизимга уланиш жараёни бошланади.

"Товарларни божхона экспертизаси" автоматлаштирилган ахборот тизимида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли Экология бош бошқармаси ва Атмосфера ҳавоси муҳофазаси бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли "ЎзБошДавКарантин" ва ҳудудий карантин инспексиялари, "Давлат ветеринария назорати", "Ўзстандарт" агентлигида аккредитациядан ўтган ташкилотлар ва ҳудудий бўлимлари ходимлари учун махсус интерфейслар яратилган.

**http://10.0.9.114:9080/bjeks/** электрон манзили орқали тизимга улангандан кейин қуйидаги (1-расм) саҳифа очилади. Тизимга фойдаланувчи сифатида кириш учун компютерга USB-калит уланади ва фойдаланувчи пароли киритилиб, "**Вход**" тугмаси босилади.

*1-расм. Тизимга кириш интерфейси*




## 5. Ташқи фойдаланувчилар интерфейси

### 5.1«Ўзстандарт» агентлиги фойдаланувчилари интерфейси

«Ўзстандарт» агентлигида аккредитациядан ўтган ташкилотлар ходимлари томонидан **мувофиқлик сертификати** маълумотлари ТБЭ ААТга киритилади. Тизимда ишловчи барча вазирлик ва идоралар ходимлари учун 2 та рол мавжуд. Булар **ташкилот раҳбари** ва **ташкилот ходими**. Ташкилот ходими томонидан сертификатлар маълумотлари тизимга киритилади, ташкилот раҳбари киритилган сертифкатлар маълумотларини кўриб чиқади.

Киритилган маълумотлар тўғри бўлса, ушбу сертификатни тасдиқлайди. Ташкилот раҳбарида янги сертификат маълумотларини киритиш имконияти йўқ. Раҳбар томонидан тасдиқланган сертификатларни тизимда ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Раҳбар ва ходим ролларида бўлган фойдаланувчилар тизимга кирганларидан сўнг 2-расмда келтирилган саҳифа пайдо бўлади.




*2 – расм. “Ўзстандарт” агентлигида аккредитациядан ўтган ташкилот ходими интерфейси.*

### 5.1.1. Ташкилот ходими:

Ташкилот ходими томонидан бу саҳифанинг «Сертификаты» менюсидан сертификатнинг рус ёки ўзбек тилидаги шаклини танлаб, 3-расмда келтирилган саҳифага ўтилади.




*3-расм. “Ўзстандарт” агентлигида аккредитациядан ўтган ташкилот томонидан берилган сертификат мақомлари*

Ташкилот ходими томонидан янги мувофиқлик сертификати маълумотларини киритиш “**Новый сертификат**” тугмасини танлаш орқали амалга оширилади (4 – расм). Сертификат маълумотларини киритиш икки саҳифа ёрдамида - сертификатнинг асосий маълумотлари ва товар маълумотлари саҳифаларида киритилади.

***Эслатма:*** *Сертификатлардаги баъзи майдонлар (давлат номлари, сертификат схемаси, транспорт тури ва бошқалар) справочник маълумотларидан фойдаланган ҳолда динамик равишда киритилади. Бунинг учун майдон устида сичқонча чап тугмаси босилади ва пайдо бўлган рўйхатдан кераклиси сичқонча ёки клавиатурадаги ⇧ ва ⇩ стрелкалари билан танланади.*




*4-расм. Мувофиқлик сертификати маълумотини киритиш формаси.*




*5-расм. Сертификатга тегишли товарлар рўйхати*

Ташкилот ходими томонидан аввал сертификат маълумотлари, сўнгра товар маълумотлари кетма-кет киритилади (4- ва 5- расм). Мувофиқлик сертификати маълумотлари киритилгандан сўнг, саҳифанинг қуйи қисмида жойлашган «Сохранить» тугмаси босилиб, сертификат ва товар маълумотлари ТБЭ ААТ маълумотлар базасида сақланади. Киритилган сертификат маълумотлари саҳифанинг “**Редактированные**” мақомидаги рўйхатда пайдо бўлади. Ташкилот раҳбари томонидан тасдиқлангунга қадар сертификат маълумотларини ўзгартириш мумкин.

*Эслатма: Киритилган сертификат маълумотлари ўзгартирилган тақдирда маълумотларни ўзгартирган ходим тўғрисидаги ахборотлар тизимда сақланади.*




*6-расм. Киритилган сертификатлар рўйхати.*

**5.1.2. Ташкилот раҳбари:**

Раҳбар ўз калити билан тизимга киради. “Сертификаты” менюсидан сертификат турларини танлаб, 2-расмда кўрсатилган саҳифага ўтади. Сўнгра сертификат статусларидан “**Редактированные**” мақомини танлаб, ўнг томонидаги рўйхатдан ходимлар томонидан киритилган сертификатларни кўриш мумкин. Маълум сертификат маълумотларини кўриш учун рўйхатдан сертификатнинг рақами танланади.

Раҳбар ташкилот ходими томонидан киритилган маълумотлар тўғри киритилганлиги текшириб чиқади. Агар маълумотлар ходим томонидан тўғри киритилган бўлса 7-расмда кўрсатилгандек “**утверждать”** тугмасини босади. Тасдиқланган сертификатлар “Утвержденные” мақомига ўтади. Ушбу мақомдаги сертификат маълумотларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Ходим томонидан хато киритилган маълумотлар сертификат тасдиқлангунга қадар ўзгартирилиши мумкин.

*7-расм. Таҳрирдаги (киритилган) сертификатлар масъул ходим томонидан тасдиқланади.*




***Эслатма: Бир турдаги сертификат учун бланк рақамлари бир хил бўлмаслиги лозим.***

## 5.2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари интерфейси

### 5.2.1 Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фойдаланувчиси интерфейси

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва ҳудудий карантин инспекциялари инспекторлари томонидан тизимга фитосанитар сертификатлари ва импорт карантин рухсатномалари бўйича маълумот киритиш амалга оширилади.

Импорт-карантин рухсатномаси ва фитосанитар сертификатларини киритиш, таҳрирлаш, кўриш ва тасдиқлаш юқорида (Ўзстандарт ходимлари фойдаланувчилари каби) кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, бу сертификатларда ҳам сертификат рақами такрорланмаслиги керак.

Фитосанитар сертификати маълумотларини киритиш формаси кўриниши 8-расмда келтирилган.



ГЛАВНАЯ ГОСУДАРСТВЕННАЯ ИНСПЕКЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО КАРАНТИНУ РАСТЕНИЙ "УЗГЛАВГОСКАРАНТИН"

CENTRAL STATE INSPECTION COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR QUARANTINE OF PLANTS "UZGLAVGOSQUARANTINE"

ФИТОСАНИТАРНЫЙ СЕРТИФИКАТ
PHYTOSANITARY CERTIFICATE №

*8-расм. Фитосанитар сертификати маълумотларини киритиш формаси.*

Фитосанитар сертификати маълумотлари ташкилот ходимлари томонидан тўлиқ киритилгандан сўнг, раҳбар шахс томонидан текширилиб, тасдиқланиши лозим.

### 5.2.2. Ветенария бош бошқармаси фойдаланувчиси интерфейси

Давлат ветеринария назорати ходимлари томонидан ҳам ТБЭ ААТ дастурига 9 турдаги ветеринария гувоҳномалари маълумотларини киритиш амалга оширилади (9-расм). Ветеринария гувоҳномаси маълумотлари ташкилот ходими томонидан дастурга киритилади ва раҳбар ходим томонидан тасдиқланади.

Ветенария гувоҳномаси маълумотларини киритиш, ўзгартириш ва раҳбар томонидан тасдиқлаш тартиби юқорида Ўзстандарт агентлиги ходимлари учун келтирилган тартиб каби амалга оширилади.

*9-расм. Ветеринария назорати инспекцияси ходими бош саҳифаси.*




*10-расм. Ветенария гувохномасини киритиш формаси (Форма №2).*



*11-расм. Таҳрирдаги сертификатлар рўйхати.*




Сертификатни тасдиқлаш тугмаси (“**Утверждать**”) босилганда, у тасдиқланган сертификатлар рўйхатига (чапдаги “**Утвержденные**” бўлимига) ўтади.

*12-расм. Тасдиқланган сертификатлар рўйхати.*




Чапдаги мақомлар бўлимида жойлашган   тугмаси орқали тасдиқланган сертификатлар бўйича ҳисобот олиш саҳифасига ўтилади.

*13-расм. Ҳисоботлар саҳифаси.*



Ҳисоботлар саҳифасига ўтилгандан сўнг керакли критериялар белгиланади ва сертификатлар рўйхатининг тагида жойлашган Отчет тугмаси босилади. Шундан сўнг, янги **MS Excel** дастури ойнасида белгиланган критериялар бўйича ҳисобот экранга чиқади. Бу ҳисоботни кўриш учун тизим фойдаланувчиси компьютерига **MS Office** дастурлар пакети ўрнатилган бўлиши керак.

## 5.3. Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари интерфейси

### 5.3.1 Экология бош бошқармаси фойдаланувчилари интерфейси

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Экология бош бошқармаси ходимлари томонидан экологик сертификатлар тўғрисида маълумотларни киритиш амалга оширилади.

Бу сертификатларни киритиш, ўзгартириш ва тасдиқлаш кетма-кетлиги юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда (Ўзстандарт ходимлари йўриқномасига қаранг) амалга оширилади. Қуйидаги 14- ва 15- расмларда экологик сертификати маълумотларини киритиш формаларининг кўринишлари келтирилган.

*14-расм. Экологик сертификат маълумотларини киритиш формаси кўриниши*


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TABIATNI MUHOFAZA
QILISH DAVLAT QO'MITASI
EKOLOGIK SERTIFIKATLASHTIRISH TIZIMI
/ пустой /. sonli
«Davlat ekologik sertifikatlashtirish, standartlashtirish
va me'yorlashtirish bosh boshqarmasi»

EKOLOGIK SERTIFIKAT

2013 yil « 8 » января da
EST.O'z.M.128 / пустой / bilan qayd qilindi.
2013 yil « 8 » января gacha haqiqiydir.

Ushbu sertifikat, ekologik sertifikatlashtirilgan obʼekt
/ пустой /
ning lozim ravishdagi identifikatsiyaga javob berishi va me'yoriy-uslubiy jihatlari / пустой /
/ пустой /
/ пустой /
/ пустой / me'yoriy va huquqiy hujjatlar talabiga javob beradi.
Sertifikat egasi haqida ma'lumot: / пустой /
/ пустой / Telefon raqami / пустой / Faks / пустой /
Mahsulot yoki xizmatning ekologik sertifikatlashtirishdagi qo'llanilgan talablar / пустой /
/ пустой /
/ пустой /
/ пустой /

**Izoh:** Ekologik sertifikat, berilganlik shartlariga amal qilinmagan taqdirda, sertifikatlashtirish organi tomonidan bekor qilinishi mumkin.




*15-расм. Экологик сертификат маълумотларини киритиш формаси (русча шакли).*




*16-расм. Тасдиқланган сертификатларни босмага чиқариш*

Тасдиқланган сертификатларни **PDF** кенгайтмали файлга босмага чиқариш мумкин. Бунинг учун чапдаги мақомлар рўйхатидан "**Утвержденные**" мақоми танланади. Сўнг экранда хосил бўлган рўйхатдан керакли сертификат қаторида жойлашган **"Печать"** тугмаси босилади.

Шундан сўнг тизим сертификатнинг босма вариантини сақлашни таклиф қилади. Сертификатни сақлаб, уни бирорта **pdf**-файл ўқийдиган дастурда (масалан, Adobe Reader) очиб, босмага берилади.

### 5.3.2 Атмосфера ҳавоси мухофазаси бош бошқармаси фойдаланувчилари интерфейси

Атмосфера ҳавоси мухофазаси бош бошқармаси ходимлари томонидан озон емирувчи моддалар ва уларни ўзида сақловчи товарларни олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш бўйича рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни киритиш амалга оширилади.

Рухсатномаларни киритиш, ўзгартириш, тасдиқлаш ва улар устидаги бошқа амаллар юқорида келтирилган сертификатлардаги каби амалга оширилади (юқоридаги фойдаланувчи йўриқномаларига қаранг).


1-стр

2-стр

Товары

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ОХРАНЕ ПРИРОДЫ

"8" января 2013 г. Серия 12

Разрешение № [пустой]

на вывоз из Республики Узбекистан озоноразрушающих веществ

Настоящее разрешение выдано Государственным комитетом Республики Узбекистан по охране природы [пустой]

расположенной (проживающего) по адресу: [пустой]

на вывоз из Республики Узбекистан ОРВ: [пустой]

[пустой]

в количестве [пустой]

[пустой]

на сумму [пустой]

…(ам) (договору, инвойсу) № [пустой] от "8" января 2013 г.

[пустой]

Страна-производитель, фирма: НЕИЗВЕСТНА [пустой]

Страна, в которую осуществляется ввоз: НЕИЗВЕСТНА

Срок действия настоящего разрешения: с 08.01.2013 по 08.01.2013

Продлен до Продлен до

Должность, подпись [пустой]

М.П. [пустой]

Удостоверение таможенного органа:

Вес нетто (кг): Печать таможенного органа Подпись:



*17-расм. Озон емирувчи моддалар бўйича рухсатнома (Серия 12).*

Атмосфера ҳавоси мухофазаси бош бошқармаси ходимлари томонидан киритиладиган озон емирувчи моддалар бўйича бериладиган рухсатномаларнинг асосий маълумотлари икки қисмга ажратилади. Бу маълумотларнинг биринчи қисми Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари томонидан тўлдирилади ва тасдиқланади. Тасдиқланган рухсатноманинг иккинчи қисми божхона органлари инспекторлари томонидан тўлдирилади.

*18-расм. Озон емирувчи моддалар бўйича рухсатноманинг божхона органлари инспекторлари томонидан тўлдириладиган қисми.*




Шунингдек, рухсатномалар асосий маълумотларининг 2-саҳифасидаги маълумотлар ҳам божхона органлари ходимлари томонидан киритилади.

## 5.4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходими интерфейси

### 5.4.1 Республика Давлат Санитария ва эпидемиология маркази фойдаланувчиси интерфейси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари фойдаланувчилари томонидан тизимга гигиеник сертификат маълумотлари киритилади.

Сертификат маълумотларини киритиш, ўзгартириш, тасдиқлаш ва улар устидаги бошқа амаллар юқорида келтирилган сертификатлардаги каби амалга оширилади (юқоридаги фойдаланувчи йўриқномаларига қаранг).

*19-расм. Гигиена сертификати маълумотларини киритиш формаси.*




“Товарларни божхона экспертизаси” автоматлаштирилган ахборот тизими манфаатдор вазирлик ва идоралар ходимлари томонидан сертификатлар ва рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш вазифаларини амалга оширади. Шу билан бирга Давлат божхона қўмитаси ҳамда вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро электрон маълумотларни «реал вақт» режимида алмашиш имконини беради.

Шунингдек, сертификатлар ва рухсатномаларни бевосита ушбу хужжатларни берган ташкилотлар маълумотлари асосида текширилиши, уларни қалбакилаштиришнинг олдини олишга хизмат қилади.